



“ЎЗБЕКИСТОННИ ТОП ЎН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР  
ҚАТОРИГА КИРИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: БАРҚАРОР  
РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ”  
мавзусидаги ҳалқаро онлайн илмий-амалий  
анжуман материаллари тўплами  
2020 йил 11-12 декабрь



“PROSPECTS FOR UZBEKISTAN'S ENTRY INTO  
THE TOP 10 TOURIST DESTINATIONS: SUSTAINABLE  
DEVELOPMENT OPPORTUNITIES”

collection of abstracts  
December 11-12, 2020

“ПЕРСПЕКТИВЫ ВХОЖДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В  
ДЕСЯТКУ ЛУЧШИХ ТУРИСТИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ:  
ВОЗМОЖНОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ”

сборник тезисов  
11-12 декабря 2020 года



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
“СЕРВИС СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ” ВА “ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА  
ХЎЖАЛИГИ” КАФЕДРАЛАРИ**

**“ЎЗБЕКИСТОННИ ТОП ЎН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР  
ҚАТОРИГА КИРИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: БАРҚАРОР  
РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ”**

**мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий анжуман материаллари  
тўплами  
2020 йил 11-12 декабрь**

**“PROSPECTS FOR UZBEKISTAN'S ENTRY INTO THE TOP 10  
TOURIST DESTINATIONS: SUSTAINABLE DEVELOPMENT  
OPPORTUNITIES”  
collection of abstracts  
December 11-12, 2020**

**“ПЕРСПЕКТИВЫ ВХОЖДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В ДЕСЯТКУ  
ЛУЧШИХ ТУРИСТИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ:  
ВОЗМОЖНОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ”**

**сборник тезисов  
11-12 декабря 2020 года**

**“Дурдана” нашриёти  
Бухоро – 2020**

**УЎК 338.48(575.1)**

**65.433**

**Н 14**

Навruz-Зода, Б.Н. Ибрагимов, Н.С.

“Ўзбекистонни топ 10 туристик ҳудудлар қаторига киритиш истиқболлари: барқарор ривожланиш имкониятлари” [Матн] / Б.Н. Навruz-Зода, Н.С. Ибрагимов.-Бухоро: ООО "Sadriiddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2020. -300 б.

**КБК 65.433**

**Дастурий қўмита:** и.ф.д. О.Х. Хамидов, и.ф.ф.д. О.С. Қаҳхоров, и.ф.н. А.Т.Жўраев, и.ф.н. Д. Ш. Явмутов, и.ф.н. С.У. Таджиева, и.ф.д. Б.Н. Навruz-Зода, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов, и.ф.н. Ҳ.Р. Ҳамроев, и.ф.ф.д. А.Ж. Абдуллоев, и.ф.н. С.С. Рўзиев, и.ф.ф.д Г.Р. Хидирова, О.Х.Азимов, Б.И. Адизов.

**Тахрир ҳайъати:** и.ф.ф.д, О.С. Қаҳхоров, и.ф.д. Б.Н. Навruz-зода, и.ф.н. А.Т.Жўраев, Г.Т. Зарипов, и.ф.н. Д.Ш. Явмутов, и.ф.н. С.У. Таджиева, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов, А.Ж. Абдуллаев, и.ф.ф.д. Г.Р. Хидирова

“Ўзбекистонни топ 10 туристик ҳудудлар қаторига киритиш истиқболлари: барқарор ривожланиш имкониятлари” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7-февралдаги 56-Ф-сонли Фармойишига асосан ташкил этилган, тезислар тўплами тайёрланган ва нашр этилган.

**Тўплам и.ф.д., профессор Б.Н. Навruz-Зода ва и.ф.н. Ибрагимов Н.С. умумий тахрири остида чоп этилди.**

Тўплам Бухоро давлат университети илмий-техникавий кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

**Тақризчилар:**

- 1.Азимов Б.Ф. – БухМТИ Менежмент кафедраси доценти, и.ф.н.
2. Мўминов Ҳ.И. – Бухоро Давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

**Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўzlари масъулдир.**

**ISBN 978-9943-6824-7-4**

Kiyamova M.	Buxoro folklor merosidan turizmni rivojlantirishda samarali foydalanish	79
Эвадуллаев Т.Ш.	Самарқандда зиёрат туризмини ривожланишида муқаддас қадамжоларнинг ўрни	81
Toyirova S.A.	Turizmda turmahsulotning ahamiyati	84
Choriyev R.N.		
Мўминов Х.И.	Ўзбекистонда туризмнинг янги йўналишларини шакллантириш	85
Абдуллаева X.		
Мусоев Д. Г.	Анализ туристских потоков в историко-древнейших городов Узбекистана и их туристско-рекреационный потенциал	87
Исхакова С.А.	Ўзбекистонда таълим туризмини ривожлантириш истиқболлари	90
Ибрагимова М.И.		
Kamolov X.Z.	O'zbekiston turizm sohasini diversifikatsiya qilishda madaniy meros obyektlarining roli	92
Abdullayev S.I.	Ziyorat turizmi, uning xususiyatlari va funksiyalari	94
Muqumova H.I.		
Рауфов Р.Н.	Рекреационный туризм Таджикистана	96
Кулматова Л.С.		
Макушина А. Ю.	Развитие туристической индустрии в Республике Узбекистан	98
Allanazarov O.B.	Xorazm viloyatida agroturizm rivojlantirish imkoniyatlari	
Matkarimov F.		100
Талапова Н.Б.	Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш	
Исмоилова М.И.		102
Fozilova M.B.	Ekologik turizmni rivojlantirishning iqtisodiyotdagi o'rni	104
Болтаева М.Ш.	Бухоро вилоятида туризмни ривожлантиришда табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш холати	106
Ashurova M.X.	Turistik – rekreatsiya resurslaridan foydalanishning ekologik xususiyatlari	
Fozilova M.B.		108
Собиров М. С.	Особенности территориального развития туризма и рекреации в долине Зеравшан	111
Солиев И.	Ўзбекистонда рекреация ва туризм тармоғини ривожлантиришнинг ўзига хос жихатлари	112
Бойтӯраев О.		
Тажибаев Ш.М.	“Етти пир” туристик маршрутини ривожлантириш истиқболлари	114
Yunusova S.	Gastronomik turizm turlari va Yevropa davlatlari andozalari	
Axmadjanova M. A.		116
Сайдова Ф.К.	Перспективы развития экологического туризма Узбекистана	117
Dilmonov Q.B.	Essential image of eco-tourism	119
Asadova A.O.	O'zbekistonda erkin turistik zonalarni rivojlantirishda mice turizm va boshqa turistik yo`nalishlardan foydalanishning o`ziga xos shakllari	120
<b>3-ШЎБА. 3-СЕКЦИЯ. 3-SECTION.</b>		
Barotova D. Yo.	O'zbekistonda “turistik qishloq”, “turistik mahalla”, “turistik ovul”larni rivojlantirish mehanizmlari	124
Жалилова Ч.З.	Туризм ривожлантиришда туризм маҳалласининг роли (Ромитан тумани	
Мухаммедов С.	Қўргон туризм маҳалласи мисолида)	126
Usmanova A.B.	Prospects for development of rural tourism in Uzbekistan	128
<b>Нарзиев М.М.</b>	<b>Мехмонхона кластерларини шакллантириша “туристик маҳалла”ларнинг ўрни</b>	<b>130</b>
Matjonov B.R., Qo'chqarov Sh.	o'zbekistonda qishloq turizmini rivojlantirishning dolzarb masalalari	
Усманова Р.	Оптимизация использования туристических ресурсов Кашкадарьинской области	131
Жумаев Х. Х.	Қашқадарё вилоятида туризм-рекреация инфратузилмасининг ривожланиши даражаси	133
Очилова Х.Ф.	Механизм формирования этнопарков в Узбекистане	135
Бекжанов Д.Й.	“Туристик маҳалла” ларни ривожлантириш орқали туристик дестинация ракобатбардошлигини ошириш	137
Ollanazarov B. Matkarimov F.	O'zbekistonda agroturizmni rivojlantirishda rivojlangan mamlakatlar modellaridan foydalanish	139
Мардонов Б.Б.	Тарихий-маданий туризмнинг ривожланиш зарурияти	
Исхакова С.А.		142
Xomidova M.Z.	Qashqadaryo viloyatida ekoturizmni rivojlantirishning asosiy yo`nalishlari	144

The list of the used literature:

1. The Tourism Act of 18.07.2019;
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of 2 December 2016 "On measures to ensure the accelerated development of the tourism industry";
3. Decision of the President of the Republic of Uzbekistan of 16 August 2017 "On priority measures for the development of the tourism sector for 2018-2019";
4. State Programme for the Implementation of "Strategies for Action in Five Priority Areas of Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021" in "Year of Support for Active Entrepreneurship, Innovative Ideas and Technologies"
5. Internet sources, tourist feedback sites: tripadvisor.com, otzovik.ru, trivago.ru, travel.yahoo.com; UNWTO Annual Report 2016, 2017.

## МЕХМОНХОНА КЛАСТЕРЛАРИНИ ШАКЛЛАН-ТИРИШДА “ТУРИСТИК МАҲАЛЛА”ЛАРНИНГ ЎРНИ

Нарзиев М.М. Таянч докторант, БухДУ

Республикамизга сайёхлар сонини тобора ошириб бориши билан бирга, уларни халқимизнинг бой маданияти, анъанаалари, тарихи, турмуш тарзи, миллий таомлари ва деҳқончилик маҳсулотлари билан танишириш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу ўз навбатида республикамиз худудларига ташриф буюраётган туристлар оқимини ошириш, аҳолини туризм соҳасида бандлигини таъминлаш ва туризм хизматлари экспортини ортишига хизмат қиласди.

“Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2019 йилнинг 1 ноябридан эътиборан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси энг юқори туризм салоҳиятга эга бўлган фуқаролар йиғинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллалари) рўйхатини шакллантира бошлади. Фуқаролар йиғинлари худудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари яратилган тақдирда ва сайёхлар учун камида беш хил хизмат тури (яшаш ва/ёки овқатлантириш хизматларидан ташқари) кўрсатилган тақдирда, уларга “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақоми берилади. 2020 йилдан бошлаб “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақомининг берилган фуқаролар йиғини “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларига киритилади<sup>1</sup>.

Мехмонхоналар кластер асосида ўз фаолиятларини олиб бориш жараёнида, Туризм маҳалласи, қишлоғи ва овуллари билан бирга ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсалар, икки томон учун ҳам фойдали бўлади.

*Мехмонхона кластери бу – туризм кластерининг субъектларидан бири бўлиб, йил давомида меҳмонхона даромадларини кўпайтириб бориш, туристлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиб хизматлар турларини кенгайтириш, туризм соҳасидаги бошқа субъектлар билан кооперацион алоқаларни кенгайтириб янги корхоналар иш ўринларини яратиш (кўшилган қиймат занжири) йўли билан ҳудуднинг туристик салоҳиятини оширишга хизмат қиласди.*

“Фуқаролар йиғини “туризм маҳалласи” мақомини олиши учун камида 20 та оилавий меҳмон уйи, 5 та сифатли туристик хизмат (турап жой ва (ёки) овқатланиш хизматларидан ташқари), 1 та маҳаллий сувенир маҳсулотларини сотиш шохобчаси, туризм турлари (эко, агро, этно, маданий туризм), зарур инфратузилма, йил давомида туризм хизматларини кўрсатиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг расмий веб-сайти: [https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=654&fbclid=IwAR0ttOIwuoO326IR3iumDgJ9R8msGYBOYCehgS5dYdkVK\\_NLr9jJr8WfcUU](https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=654&fbclid=IwAR0ttOIwuoO326IR3iumDgJ9R8msGYBOYCehgS5dYdkVK_NLr9jJr8WfcUU)

имконияти, кўнгилочар хизматлар, туристларнинг хавфсизлиги таъминланганлиги, биринчи тиббий ёрдам хизмати, худуднинг туристик харитаси, ахборот кўрсатгич ва туристлар учун мўлжалланган материалларга эга бўлиши лозим”<sup>1</sup>.

Юқоридаги Президент Фармонининг Бухоро вилоятидаги ижроси сифатида, Бухоро тумани, Чор-Бакр мажмуаси қошида “Туристик маҳалла” ва янги туристик хизматлар ташкил этилади. Чор Бакр зиёратгоҳи Бухоро шаҳридан 6 км ғарбда жойлашган бўлиб, бу худуднинг қадимий номи Сумитандир. “Фиёсул-лугат” китобида ёзилишича Сумитан сўзининг маъноси “жундан мато тўқувчилар яшадиган жой” деган маънони англатади. X асрда Сумитан қишлоғига Бухородан Ходшарун номли дарвоза орқали ўтиб борилган. Ходшарун дарвозаси XV-XVI асрларда Талипоч яъни “Хон тепалиги” деб номланган. Тўртта буюк авлиё- Ҳазрат Абу Бакр Саъд Яманий (ваф. 970), Ҳазрат Абу Бакр Ҳомид (ваф. 937), Ҳазрат Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл (ваф.991),Ҳазрат Абу Бакр Тархон (ваф.945) шарофатларидан бу мавзе Чор Бакр, яъни тўртта Бакр деб аталган. Тарихий ривоятларга қараганда, Чор Бакрларнинг шажаралари Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га бориб тақалади<sup>2</sup>.

Чор-Бакр мажмуаси қошидаги “Туристик маҳалла”да қуидаги янги туристик хизматларни ташкил этиш режалаштирилган:

- ✓ Оиласи мөхмонархия;✓ Миллий ҳунармандчилик устахоналари;
- ✓ Замонавий туризм ахборот хизматларини кўрсатувчи “Туризм ахборот маркази”;
- ✓ Халқ амалий санъатини намойиш этиш мақсадида “Арт-галерия” ва “Чор-Бакр” мажмуаси ҳақида маълумот берувчи музей;
- ✓ Валюта айрибошлиш шохобчаси;
- ✓ Сувенир дўқонлари ва китоб расталари;
- ✓ Экобоғ.

Бундай туристик маҳаллалар билан меҳмонхоналар кластер асосида фаолият юритса, сайёхлар оқими, уларнинг Бухорода қўпроқ вақт туриши, аҳолининг иш билан бандлиги ва вилоятнинг туристик салоҳияти ошади.

## O`ZBEKISTONDA QISHLOQ TURIZMINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI

Matjonov B.R., Qo`chqarov Sh.  
Urganch davlat universiteti katta o'qituvchilari

Ma'lumki, har qanday mamlakat mahalliy aholisining madaniyati, an'analari va turmush tarzi o'sha yerning o'ziga xos turistik salohiyat hisoblanadi va muhimi - buni qo'ldan boy bermaslik. Prezidentimizning “O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoni bilan 2019-yilning 1-noyabridan e'tiboran Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi eng yuqori turizm salohiyatga ega bo'lgan fuqarolar yig'lnlari (shaharcha, qishloq, ovullar hamda shahar, shaharcha, qishloq va ovullarning mahallalari) ro'yxatini shakllantira boshladilar. Fuqarolar yig'lnlari hududlarida 20 tadan kam bo'lmagan oilaviy mehmon uylari yaratilgan taqdirda va sayyoohlар учун камида беш xil xizmat turi (yashash va/yoki ovqatlantirish xizmatlaridan tashqari) ko'rsatilgan taqdirda, ularga “Turizm mahallasi”, “Turizm qishlog'i” yoki “Turizm ovuli” maqomi beriladi. 2020-yildan boshlab “Turizm mahallasi”, “Turizm qishlog'i” yoki “Turizm ovuli” maqomining berilgan fuqarolar yig'ini “Obod qishloq” va “Obod mahalla” davlat dasturlariga kiritildi.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг расмий веб-сайти: <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=1354>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлари идораси Жўйбори калон ўрта маҳсус Ислом билим юрти расмий веб-сайти: <https://www.juyborikalon.uz/maqola/113>